“ТАСДИКЛАЙМАН”
Тошкент шахар 3-сон Юкумли
Касалликлар Клиник шифохонаси
бош шифокори, комиссия раиси
К.Х.Рашидов

Тошкент шахар 3-сон Юкумли Касалликлар Клиник шифохонасида беморлага иссик сифатли таом билан таминлашни хизмат курсатувчи ташкилотлар уртасида танлов утказиш буйича комиссия йиғилиши

**Б А Ё Н Н О М А С И №-7**

Тошкент ш. 2022 йил “13” май

Иштирок эттилар:

| | |
|---|---|
| К.Х.Рашидов | Бош шифокор -танлов комиссия раиси |
| Г.Р.Нуралиева | Врач лобарант- комиссия котиби |
| Г.М.Зайнутдинова | Бош шифокор муовини - танлов комиссия аъзоси |
| Г.У.Ганиева | Катта хамшира - танлов комиссия аъзоси |
| Б.И.Махмудова | 1-бўлим катта хамшира - танлов комиссия аъзоси |
| Н.Т.Шеназова | Бош хисобчи - танлов комиссия аъзоси |

**КУН ТАРТИБИ:**

**Тошкент шахар 3-сон Юкумли Касалликлар Клиник шифохонасида даволанаётган беморларни иссик овкат билан таъминлаш учун муҳокамага жойлаштириш**

Кун тартибига қўйилган масала юзасидан камиссия аъзоси – Бош шифокор муовини Г.М.Зайнутдинова сўзга чиқиб, Тошкент шахар 3-сон Юкумли Касалликлар Клиник шифохонасида даволанаётган беморларни иссик овкат билан таъминлаш учун шартнома тузиш кераклигини таъкидлаб ўтиб, 3-сон Юкумли Касалликлар Клиник шифохонаси xarid.uzex.uz сайтида 764 194 200.00 сумга 78628 -сонли лот рақами берилганлиги маълум қилди. Тақдим этилган иккита корхона таклифлари билан комиссия аъзолари атрофлича таништириб чиқилди.

Шифохонанинг бош шифокор муовини - танлов комиссияси аъзоси Г.М.Зайнутдинова ЎРҚ-684 - сонли “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуннинг талабларига қатъй риоя қилиш буйича ҳамда бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни мақсадли тарзда фойдаланишлари лозимлиги тўғрисида тушунтириш бериб ўтди.

Харид комиссияси аъзоларида мазкур 78628 - сонли лот иштирокчилари билан аффилланганлик хусусиятига эга алоқалар мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунининг (ЎРҚ-684-сон, 22.04.2021й.) 23-моддасига кўра, иштирокчи ва унинг аффилланган шахси мазкур 78628-сонли лотда иштирок этмаяпти.

Муҳокамага қўйилган масала юзасидан 2 (икки) иш куни давомида хеч қандай таклифлар келиб тушмади ва норозиликлар билдирилмади.

Маълумотлар stat.uz саҳифаси орқали текширилди.

Таклиф этилаётган нархлар, баллар қуйидагича белгиланган:

| № | Иштирокчи номи | Таклиф этилаётган нарх | Балл |
|---|---|---|---|
| 1 | **ООО IT-MED SERVER** | 760 886 000.00 | 89.6 |
| 2 | **MCHJ EASYLAN** | 760 886 000.00 | 79.2 |

Комиссия аъзоларининг хулосасига кўра **ООО "IT-MED SERVER"** корхонаси таклифи энг макбули деб топилди.

**Комиссия қарор қилади:**

1. Тошкент шахар 3-сон Юқумли Касалликлар Клиник шифохонасида даволанаётган беморларни иссиқ овқат билан таъминлаш **"ООО IT-MED SERVER"** корхонаси таклифи бир овоздан мақуллансин.
2. **"ООО IT-MED SERVER"** танлов ғолиби деб топилсин ва ушбу корхона билан шартнома имзолаш мақсадга мувофиқ деб белгилансин.

Ушбу баённома ижроси, бош бухгалтер Н.Т.Шеназова зиммасига юклатилсин.

**Танлов комиссияси аъзолари:**

| | |
|---|---|
| К.Х.Рашидов | Бош шифокор |
| Г.М.Зайнутдинова | Бош шифокор муовини |
| Н.Т.Шеназова | Бош хисобчи |
| Г.У.Ганиева | Катта хамшира |
| Б.И.Махмудова | 1-бўлим катта хамшира |
| Г.Р.Нуралиева | Врач лобарант |

# Аутсорсинг шартларн асоснда хизматларнн курсатиш буйича ШАРТНОМА №13/05/22

Тошкент шахар "13" май 2022 йил

3-сон Юкумли касалликлар шифохонаси номидан Низом асосида фаолият юритувчи Рашидов Ш.Х. бир томондан ва **МЧЖ IT-MED SERVER** номидан Устав (ишончнома) асосида фаолият юритувчи директор **Абдугапаров Ш.С.** иккинчи томондан (кейинги ўринларда Аутсорсер деб аталади), ушбу Шартномани куйидагилар тугрисида туздилар.

**1.Шартнома предмети**

1.1. Аутсорсер Буюртмачининг буюртмаси буйича мазкур Шартноманинг 1.2-бандида курсатиб утилган хизматларнн курсатиш, Буюртмачи эса ушбу хизматлар учун пул тулаш мажбуриятини олади.

1.2. Аутсорсер мазкур шартноманинг 1.3-бандида курсатилган муддатдан бошлаб, у тугагуннга кадар хар куни Буюртмачини Хамда Узбекистон Республикасининг (аутсорсерга утказилган хизмат номи) норматив-хукукий хужжатлари билан белгиланган санитария-гигиена нормалари ва коидаларига риоя этган холда, Буюртмачи билан келишилган буюртмаларни бажариш жадвалига мувофик таъминлаш мажбуриятини, кейинги уринларда Хизматлар деб аталади, уз зиммасига олади.

1.3. Хизмат курсатиш муддати:
2022йил «13» май дан.
2022йил «31» декабр гача.

1.4. Томонлар бажарилган ишларнинг йигма далолатномаси ва Аутсорсер томонидан амалда курсатилган Хизматлар учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган хисоб-фактура имзоланиб Буюртмачи Аутсорсернинг мазкур Шартномада курсатилган банк хисоб-ракамига пул маблаглари утказгандан сунг Хизматлар курсатилган деб хисобланади.

**2.Томонларнинг хукук ва мажбуриятларн**

**2.1.Аутсорсер куйидаги хухукларга эга:**

2.2. Ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланиш; Ижарага олинган бино ва нншоотларнинг ички ва ташки кисмида техник жихатдан жихозлаш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

2.3. Хизматлар таннархининг узгариши муносабати билан шартномага узгартириш киритиш таклифи билан чикиш;

2.4. Курсатилган хизматлар учун уз вактида туловлар амалга оширилишини талаб килиш;

2.5 Курсатилган хизматлар натижасида фойда олиш;

2.6. Буюртмачидан шартнома шартларининг бажарилишиии талаб килиш; Конун хужжатларига мувофик бошка хукуклар.

**2.7. Аутсорсер куйидагиларга мажбур:**

**2.7.1.** Ижарага олинган бино ва иншоотлар, жихозлардан максадли хамда окилона фойдаланишн, сакдашн, носоз холга келганда уларни уз хисобидан таъмирлайди, шунингдек, коммунал харажатларини коплаши;

**2.7.2.**Аутсорсинг хизматини курсатишда техника, ёнгин, мехнат мухофазаси хамда санитария коидалари, нормалари ва гигиена нормативларига катъий риоя этиши;

**2.7.3.** Товар (ишлар, хизматлар)нинг сифатли ишлаб чикарилишини ва буюртмачига етказилишини таъминлаши;

**2.7.4.** Махфийлик тартибига катъий риоя қилиши;

**2.7.5.** Шартномани бекор килиш хакида буюртмачиии икки ой олдии ёзма равишда огохлантирнш, ушбу муддат тугагуиига кадар эса буюртмачининг тегишли хизматларини

узлуксиз ташкил этишни таъминлаши;
**2.7.6.** Хизматларни сифатли, мазкур Шартиомаииг 1.3-бандида курсатилган муддатда ва тулик хажмда курсатиши;
**2.7.7.** Хизматлар курсатиш жараёнида Аутсорсер мазкур шартнома шартларига амал килмасдан, хизматлар сифатининг ёмонлашувига олиб келган барча камчиликларни Буюртмачининг талаби буйича бир кун давомида бепул тугрилаши;
**2.7.8.** Хизматларнинг сифатсизлиги, хизматларни бажариш учун вактинча фойдаланишга бериладиган ишлаб чикариш (хизмат курсатиш) хоналари холати, шунингдек, тегишли инвентарларнинг санитария коидаларига жавоб бермаслиги аникланганда, Аутсорсер зудлик билан Буюртмачининг аникланган камчиликларни бартараф этиш буйича конуний талабини бажариши;
**2.7.9.** Малакали, тажрибали, куйилган вазифани (хизматни, ишни) амалга ошириш хукукини берувчи тегишли хужжатлари мавжуд булган, шунингдек, белгиланган тартибда ва муддатда тиббий текширувдан (курикдан) утган ходимларга (талаб этилган холларда) хизматларни бажариш жараёнига рухсат этиши;
**2.7.10.** Хизмат курсатиш буйича ишларни шахсан бажариши, мазкур Шартнома шартларини бажаришни учинчи шахсга топширмаслиги;
**2.7.11.** Мазкур шартнома шартларини бажариш доирасида Буюртмачи томонидан вактинча фойдаланишга топширилган ускуналар, жихозлар, идишлар, асбоблар, мебеллар, инвентарлар ва бошхалар моддий воситаларни соз холда сакдаши, таъмирлаши, шунингдек, биноларни таъмирлаши;
**2.7.12.** Томонлар имзолайдиган тегишли кабул килиш-топшириш далолатномасини расмийлаштирган холда, Буюртмачидан биноларни (хоналарни), ускуналарни, жихозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошкалар моддий воситаларни кабул килиб олиши;
**2.7.13.** Мазкур шартномани бекор килиш хакида Буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огохлантириши, ушбу муддат тугагунига кадар эса Буюртмачига хизматларни узлуксиз курсатилишини таъминлаши;
**2.7.14.** Мазкур шартномага асосан Хизматларни курсатиш ишларига жалб этилган ходимларни укитишни (малакасини оширишни) амалга ошириши (талаб этилган холларда);
**2.8. Буюртмачи куйидаги хукукларга эга:**
**2.8.1.** Товарлар (ишлар, хизматлар) сифатли ишлаб чикарилиши (бажарилиши, курсатилиши)ни талаб килиш;
**2.8.2.** Аутсорсернинг фаолиятига аралашмаган холда, шартнома шартларининг бажарилишини назорат килиш;
**2.8.3.** Шартномани бекор килиш тугрисида 10 кун олдин Аутсорсерни ёзма равишда огохлантириш, бунда курсатилган хизматларнинг кийматини белгиланган тартибда тулаш;
2.8.4. Конун хужжатларига мувофик бошка хукуклар.
**2.9. Буюртмачи куйидагиларга мажбур:**
**2.9.1.** Бажарилган ишларнинг йигма далолатномаси ва расмийлаштирилган хисоб-фактура асосида курсатилган хизматлар учун амалдаги нархлар буйича бир ойда камида бир марта хизматлар хакини тулаши;
**2.9.2.** Аутсорсерга мазкур Шартнома шартларини бажариш доирасида биноларни (хоналарни), ускуналарни, жихозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошка моддий воситаларни вактинча фойдаланишга бериши;
**2.9.3.** Конун хужжатларига мувофик бошка мажбуриятлар.

## 3. Хизматлар нархи ва узаро хисоб китоблар тартиби

3.1. Мазкур шартноманинг иловасига мувофик хизматлар нархи 760 886 000 (**Етти юз олтмиш миллион саккиз юз саксон олти минг ) сумни ташкил этади**

**3.2.** Аутсорсер томонидан курсатилган хизматлар учун узаро хисоб- китоблар бажарилган ишларнинг йигма далолатномаси Мазкур Шартномани бажаришда юзага келиши мумкин булган низолар ва келишмовчиликлар имкон кадар Томонлар уртасида музокара ва расмийлаштирилган хисоб-фактура асосида курсатилган хизмагларнинг амалдаги киймати буйича бир ойда камида бир марта амалга оширилади.

**3.3.** Курсатиладигаи хизматларнинг амалдаги сони хакидаги маълумотлар ва хизматларнинг амалдаги нархи асосида Буюртмачи кундалик буюртмага мувофих Аутсорсер билан биргаликда хар ун кунда, туланиши лозим булган суммаси курсатилган, Аутсорсер ва Буюртмачи томонидан имзоланадиган бажарилган ишларнинг йигма далолатномаси тузилади ва хисоб-фактура расмийлаштиради.

**3.4.** Буюртмачи томонидан амалда курсатилган хизматлар нархи белгиланган тартибда расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномаси ва хисоб-фактура олинган вакддан бошлаб, 10 банк куни давомида Шартномада белгиланган суммадан ортих булмагаи микдорда туланади.

3.5. Мазкур Шартноманинг иловасида курсатилган, шартноманинг прогноз суммасини хисоблаш учун хизматларнинг нархлари томонлардан бирининг ташаббуси билан кайта куриб чикилади.

## 4. Томонларнинг мажбурнятлари

**4.1.** Аутсорсер шартнома мажбуриятларини уз вактида бажармаган холларда, Буюртмачига муддати утказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган кисмининг 0,5 фоиз микдорида пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси курсатилмаган хизматлар ойлик нархининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

**4.2.** Пеня (жарима) тулаш Томоиларнинг зиммасидаги мажбуриятларини бажаришдан ёки бузилишларни бартараф килишдан озод этмайди.

**4.2.** Мазкур Шартнома шартларининг бажарилмаслиги ёки тегишли даражада бажарилмаслиги учун Томонлар Узбекистан Республикасининг Фукаролик кодекси талабларида, «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида»ги Узбекистан Республикаси конуни хамда Узбекистан Республикасининг бошка норматив- хукукий хужжатларида назарда тутилган жавобгар буладилар.

**4.3.** Буюртмачига хар чоракда бир маротаба курсатилаётган хизматларнинг сифати, ижарага берилган бино ва иншоотларнинг холатиии мониторинг утказишга (аутсорсернинг молиявий фаолиятига аралашмаган холда) шароитлар яратиш.

**4.4.** Томонларнинг Мазкур Шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Узбекистан Республикаси худудида амалда булган фукаролик конунчилиги нормаларига мувофик кулланилади.

## 5. Музокаралн вазнятларни хал этиш тартиби

5.1. Низолар ва келишмовчиликларни Томонлар уртасида музокара утказиш йули билан хал эгиб булмайднган холатларда, Узбекистан Республикаси конунчилигида назарда тутилган келишмовчиликларни суддан олдин бартараф килиш тартнб-таомили амалга ошнрилгандан сунг улар Узбекистан Республикаси конунчилигида белгиланган тартибда судга куриб чикиш учун берилади

## 6. Форс-мажор холатлар

6.1. Томонлар мажбуриятлар кисман ёки тулик бажарилмаганлиги учун, агар бундай холатлар енгиб булмас куч, яъни табиий офатлар, табиий ва техноген тусдагн фавкулодда холатлар ва алохида давр окибати хисобланса ва давлатнннг тегишли органлари томонидан тасдикланса, жавобгарликдан озод килинади. Бунда мазкур шартнома буйича мажбуриятларни бажариш муддати мутаносиб равишда ушбу ходисалар руй берган муддатга сурилади.

## 7. Якунловчи коидалар

**7.1.** Ушбу Шартномага хар кандай узгартириш ва кушимчалар факат улар ёзма шаклда расмийлаштирилиб, Томоиларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сунг хакикий хисобланади. Мазкур Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас кисминн ташкил этади.

**7.2.** Томонларнинг хеч бири мазкур Шартнома буйича уз хукук ва мажбуриятларини бошка Томоннинг ёзма шаклдаги розилигиснз бирор бир учинчи томонга бериб юбориши мумкин эмас.

**7.3.** Ушбу шартнома икки нусхада тузилган. Иккала нусха айнан бир хил булиб, бир хил юриднк кучга эга. Томоиларнинг хар бирида мазкур Шартноманинг бир нусхаси булади.

## 8. Шартноманинг амал килиш муддатн

**8.1.** Ушбу Шартнома имзоланган пайтдан кучга киради ва бир календарь йили давомида ёки муддатидан олдин бекор килннгуиига кадар амал килади.

## 9. Томоиларнинг манзили ва банк реквизилари

**“Аутсорсер”**

**МЧЖ «IT-MED SERVER»**
**Ташкент шахар, Саккокий кучаси, 2**
**Х/р 20208000905357001001**
**в АТИБ «Ипотек-банк» Тошкент вилоят филиали.**
**МФО 00408**
**ИНН 308277013**
**ОКЭД 95290**

**Рахбар** [signature] **Абдугапаров Ш.С.**

IT-MED SERVER

**“Буюртмачи**

100025 УЛ. . Умарова-26 ТЕЛ:25 - -
Л/С 100021860262877207320101004
В. МАРКАЗИЙ БАНК МФО: 00014
ИНН 201019657 ОКОНХ 91511
МОЛИЯ ВАЗИРЛИГ ҒАЗНАЧИЛИГИ
Р/С 23402000300100001010
В. МАРКАЗИЙ БАНК МФО: 00014 ИНН201122919

Гл. врач: [signature] К. Х. Рашидов

Юрист: [signature] Р. Ахмедов

**1-Илова**

| № | Хизмат (махсулот) номи | Сумма | Микдори | Жами Сумма |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Беморларга иссик овкат етказиб бериш. | 23 000 | 33 082 | 760 886 000 |
| | | | | 760 886 000 |

**Хизматлар нархи: 760 886 000 (Етти юз олтмиш миллион саккик юз саксон олти минг ) сумни ташкил этади**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ЯККАСАРОЙ ТУМАН
ҲУДУДИЙ ТИББИЙ БИРЛАШМАСИ
ШАҲАР 3-сонли ЮҚУМЛИ
КАСАЛЛИКЛАР КЛИНИК
ШИФОХОНАСИ
100022, Тошкент шаҳри,
Х.Умаров кўчаси, 26 уй
тел./факс 250-96-46

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI
YAKKASAROY TUMAN
HUDUDIY TIBBIY BIRLASHMASI
SHAHAR 3-sonli YUQUMLI
KASALLIKLAR KLINIK
SHIFOXONASI
100022, Toshkent shahri,
X.Umarov ko'chasi, 26 uy
tel./faks: 250-96-46

№ 701
«17» май 2022 йил.

**Тошкент шаҳар ҳокимлигининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда корперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўлими бошлиғига**

Тошкент шахар 3-сон Юқумли Касалликлар Клиник шифохонасида даволанаётган беморларни иссик овкат билан таъминлаш учун **xarid.uzex.uz** сайтида **760 886 000.00** (*Етти юз олтмиш миллион саккиз юз саксон олти минг*) сўмга 78628-сонли лот амалга оширилган.

УРК-684 - сонли “Давлат харидлари тўғрисида’ги конуннинг талабларига катый риоя қилиш буйича хамда бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни мақсадли тарзда фойдаланиш. Ўзбекистан Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида’ги Қонунининг 23-моддасига кўра, иштирокчи мазкур 78628-сонли лотда иштирок этмаган *(Маълумотлар stat.uz сахифаси оркали текширилди)*.

Мухокамага қўйилган масала юзасидан 2 (икки) иш куни давомида хеч кандай таклифлар келиб тушмади ва норозиликлар билдирилмади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг, 21.08.2020 йилдаги ПҚ-4812-сон карорига асосан, Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари, туманлар ва шаҳарлар бюджетлари ҳисобидан амалга ошириладиган ва умумий қиймати бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш микдорининг 2 500 бараваридан ортиқ бўлган давлат харидлари бўйича тендер комиссиялари таркибига Тошкент шаҳар ҳокимининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда корперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича ёрдамчилари мажбурий тартибда киритилади;

Мазкур 78628-сонли лотда Тошкент шаҳар ҳокимларининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда корперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича ёрдамчилари техник сабабга кўра иштирок этмаган.

Юкоридигилардан келиб чикган ҳолда Сиздан 78628-сонли лот буйича амалий ёрдам беришингизни сураймиз.

Бош шифокор К.Х. Рашидов

TOSHKENT SHAHAR
HOKIMI MAHKAMASI
QABUL QILINDI
«18» 05 2022 yil.
TELEFON